

"Олтин силсила" китобининг 1-жузи сотувга чиқди



05:00 / 02.02.2015 7126

"Олтин силсила" китобининг 1-жузи сотувга чиқди

Ислom.уз портали «Олтин силсила» туркумининг илк жузи сотувга чиққанини мамнуният билан маълум қилади.

Аввал хабар қилганимиздек, бутун Ислom оламида энг саҳиҳ ҳадис тўплaмлари деб эътироф қилинган тўққиз мўътабар китобдан иборат «Олтин силсила» туркуми «Ҳилол нашр» нашриёти томонидан чоп этилаётган эди. Силсиланинг дастлабки саккиз жилди ҳадис илмининг султони, буюк ватандошимиз Имом Бухорий ҳазратларининг «Жомеъус саҳиҳ» тўплaмидан иборат бўлди. Бугун ана шу тўплaмнинг илк жилди «Ҳилол» тижорат тармоғи дўконларида савдога чиқарилди.

«Олтин силсила» Ислом динининг иккинчи асосий манбаси бўлмиш мўътабар ҳадис тўпламларининг ўзбекча таржимасидир. Сиз унда Ислом оламида энг мўътабар саналган ҳадис китоблари орқали охир замон Пайғамбари Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламдан ворид бўлган ҳадисларнинг аксар ва асосий қисми билан ошно бўласиз, аждодларимиз қолдирган, асрлар оша асрабавайлаб келинган бу буюк илмий мерос билан яқиндан танишасиз.

Силсила ўз мавзусида Ўзбекистонда илк бор амалга оширилаётган улкан илмий иш бўлиб, оламшумул аҳамиятга эга. Бундай йирик тўплам нафақат ўзбек халқи учун, балки дунё аҳолисининг аксар қисми учун катта бир янгилик ҳисобланади. Ана шу эътибордан ушбу илмий ҳаракат ҳақида дунёдаги йирик исломий ташкилотлардан, кўзга кўринган арбоблардан, жумладан Бутун дунё мусулмон уламолари кенгаши, Маккаи мукаррамадаги «Қуръон ва суннат бўйича илмий мўъжизалар ҳайъати» бош котиби Абдуллоҳ Муслиҳ, Муборак Масжидул Ақсо имом хатиби доктор Юсуф Жума Салома (Қудуси шариф), машҳур олим ва халқаро Ислом ташкилотлари аъзоси шайх Муҳаммад Саъид Рамазон Бутий (Сурия араб жумҳурияти), Ислом фикҳи академиялари аъзоси, доктор Ваҳба Мустафо Зуҳайлий (Сурия араб жумҳурияти), Ислом фикҳи академиялари аъзоси, шайх қози Муҳаммад Тақий Усманий (Покистон Ислом жумҳурияти), Ислом фикҳи академиялари аъзоси Миср диёри муфтийси доктор Али Жумъа (Миср араб жумҳурияти) каби кўплаб уламолардан тақризлар олинди.

* * *

Уламоларимиз томонидан ҳадисларни жамлашда қилинган ҳаракатлар натижасида юзлаб, балки минглаб нодир асарлар дунёга келган бўлиб, бу асарлар ичида катта ҳадис тўпламлар алоҳида ўрин тутиши табиий. Биз Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларини халқимизга етказиш учун ўша китоблар ичида энг мўътабар саналган, кўпчилик томонидан саҳиҳ, ишончли деб эътироф этилган тўққизта ҳадис тўпламини танлаб олдик. Уларнинг бошида Ислом уммати қадимдан эътироф қилиб келаётган энг мўътабар олти ҳадис китоби ўрин олган. Қолган учта ўринга мазкур олтиликнинг олтинчи ўрнига даъвогарлик қилган ҳадис китоблар танланди. Бу тўққизта китобни ҳадис уламолари орасида «Саҳиҳ тўққизталиқ» деб ҳам юритилади. Улар қуйидагилар:

1. «Саҳиҳи Бухорий».
2. «Жомеъи Термизий».
3. «Саҳиҳи Муслим».
4. «Сунани Абу Довуд».

5. «Мужтабои Насайй».
6. «Сунани Ибн Можа».
7. «Мувааттои Молик».
8. «Сунани Доримий».
9. «Саҳиҳи Ибн Ҳиббон».

Ушбу келтирилган ададларни жамлаганда ҳадисларнинг жами сони 46775 тага етади. Аммо бу ушбу китобларнинг биз танлаган нусхаларига кўра бўлиб, бошқа нусхаларда ҳадисларнинг адади бироз фарқ қилиши мумкин. Шу билан бирга, бу ҳадисларнинг ичида такрорлари ҳам бор. Мисол учун, такрорларини ҳисобга олмаганда «Саҳиҳи Бухорий»нинг ҳадислари 400 мингта, «Саҳиҳи Муслим»ники 3033та бўлади.

Муҳаддислар одатда ҳадисларни ҳар жиҳатдан ўрганиш мақсадида уларни турли сарловҳалар остида такроран ҳам келтирганлар. Шу боис, бир китобнинг ичида бир маънодаги ҳадис бир неча мартаба ҳам келиши мумкин. Бунда муҳаддислар имкон қадар айни бир хил лафздагисини эмас, балки мазмунан бир хил бўлсада, сўзлари фарқли бўлганини келтиршига ҳаракат қилишган ёки ҳадисни бошқа санад билан ривоят қилиб, уни қувватлашга интилишган. Хусусан, имом Бухорийнинг китобларида ҳадисларнинг айнан такорланиши деярли учрамайди. Уларнинг матнида қайсидир даражада фарқ мавжуд бўлади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларини яхши ният билан, Аллоҳ субҳанаҳу ва таолодан ёрдам сўраган ҳолда таржима қилишга киришар эканмиз, тўққизта энг мўътабар ҳадис китобларидан ташкил топган ушбу оламшумул тўпламга «Олтин силсила» деб ном қўйишни маъқул топдик. Уни илмий асосда, халқаро андозаларга мувофиқ равишда, малакали мутахассислар иштирокида таржима қилиб, ўзига хос энциклопедия қилишга киришдик.

Бу китобларнинг биринчи олтитаси энг саҳиҳ ва санади олий ҳадис китобларидир. Булар Ислом уммати ичида катта шуҳрат топган олти асл китоблардир. Ислом уммати уларни бир овоздан ҳадиси шарифларни жамлаш борасидаги энг саҳиҳ ва мўътабар китоблар деб эътироф этган, чунки улар шариатдаги энг асосий ва энг қимматли маълумотларни ўзида жамлагандир. Балки имом Нававий роҳматуллоҳи алайҳи таъкидлаганидек, «шариатнинг барчаси шулардир». Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жуда оз ҳадисларигина ушбу олтита асл китобдан четда қолган. Ҳеч шак-шубҳа йўқки, бу китоблар инсон икки дунё саодатига эришиши учун муҳтож бўладиган нарсаларни ўз ичига олгандир. Мазкур олти ҳадис китобларига қўшилган кейинги уч китоб ҳам улардан қолишмайди. Бу уч китобдан ҳар бирининг олти саҳиҳ китоб ичидан жой

олишга ҳақли эканини кўпчилик уламолар таъкидлаганлар. Улар ўзларидан олдинги олти китобни қўллаб, қўшимчалар билан тўлдирадилар.

Ҳеч шубҳа йўқки, ушбу ҳадис китоблари мусулмонлар учун Қуръони Каримдан кейинги энг эшончли, тўғри ва баракотли китоблардир. Уларни мусулмонлар доимо эъзозлаб келганлар, ўқиб, ўрганганлар ва бу дунё ҳамда охираглари учун улардан жуда кўп фойдалар олганлар. Шунинг учун ҳам бу буюк манбаларни халқимизга таржима қилиб, тақдим этиш фақат яхшиликка, хайру баракага сабаб бўлади. Аллоҳ таолонинг Ўзи бу ишимизда бизга ёрдамчи бўлсин ва уни ҳаммамиз учун фойдали қилсин! Омин !

Муаллиф: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ва таржимонлар гуруҳи

Номи: “ОЛТИН СИЛСИЛА – Саҳиҳул Бухорий 1-жуз”

Нашриёт: "HILOL NASHR" Нашриёти

Сана: 2012

Ҳажми: 672 бет

ISBN: 978-9943-40066-6-5

Ўлчами: 70×100 1/16

Нархи: 35 000 сўм

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг тавсияси ила чоп этилган

Мурожаат учун телефонлар:

Тошкент шаҳри: (+998 71) 216 29 27

Наманган, Асака шаҳарлари: (+998 90) 322 25 22

Андижон шаҳри: (+998 91) 487 87 17

Марғилон шаҳри: (+998 73) 233 42 15

Самарқанд шаҳри: (+99891) 522 44 99

(Иш вақти 09:00 - 17:00)

МУНДАРИЖА

Кириш сўзи

Доктор Али Жума тақризи

Шайх Муҳаммад Саид Рамазон Бутий тақризи

Доктор Ваҳба Мустафо Зуҳайлий тақризи

Абдуллоҳ Муслиҳ тақризи

Муқаддима

Ҳадис нима?

Ҳадис турлари

Ҳадиснинг Ислолда тутган ўрни

Ҳадиснинг Қуръонга нисбатан тутган ўрни

Ҳадисга эргашиш вожиб

Мусулмонларнинг ҳадисни ўрганишга бўлган эътиборлари

Ҳадисларнинг ёзилиши

Ҳадисларнинг жамланиши ва унинг босқичлари

Ҳадис китобларнинг нақл қилиниши

Мовароуннаҳрда ҳадис илми

Турғунлик ва таназзул даври

Қайта тикланиш

Ҳадисларни таржима қилиш мумкинми?

«Олтин силсила» лойиҳаси

«Олтин силсила» туркуми китоблари ва уларнинг муаллифлари ҳақида

«Олтин силсила» китобларининг аҳамияти

Таржима ва таҳрир ҳайъатининг иш услуби

Ҳадис китобларидан фойдаланиш одоблари

Имом Бухорийнинг таржимаи ҳоллари ва ижодлари

Имом Бухорий – фаҳримиз

Имом Бухорийнинг асарлари

Имом Бухорийнинг шоҳ асари – «Саҳиҳул-Бухорий»

«Саҳиҳул-Бухорий» хатми

«Саҳиҳул-Бухорий»нинг нақл қилиниши

«Олтин силсила»нинг «Саҳиҳул-Бухорий»га санади ҳақида

«Саҳиҳул-Бухорий»нинг санади

«Саҳиҳул-Бухорий»нинг нусхалари ҳақида

«Саҳиҳул-Бухорий» нашрлари

«Саҳиҳул-Бухорий»га доир қилинган илмий ишлар ҳақида

«Саҳиҳул-Бухорий»нинг ички тузилиши ҳақида

«Саҳиҳул-Бухорий»нинг ушбу таржимаси ҳақида

1. Ваҳийнинг бошланиши китоби

1-боб. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳийнинг бошланиши қандай бўлган?

2-боб

3-боб

4-боб

2. Иймон китоби

1-боб. Иймон ва Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ислом беш нарсага бино қилингандир» деган сўзлари ҳақида

2-боб. Дуоингиз – иймонингиз

3-боб. Иймон ишлари ҳақида

4-боб. Муслмон – тили ва қўлидан муслмонлар омонда бўлган кишидир

5-боб. Исломдаги қайси (амал) афзал?

6-боб. Таом бериш Исломдандир

7-боб. Ўзи учун яхши кўрган нарсасини

биродарига ҳам раво кўриш иймондандир

8-боб. Расул соллаллоҳу алайҳи васалламни севиш иймондандир

9-боб. Иймон ҳаловати ҳақида

10-боб. Ансорларни яхши кўриш иймон аломатидир

11-боб

12-боб. Фитналардан қочиш диндандир

13-боб. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг

«Мен Аллоҳни билувчироғингизман» деган сўзлари ҳақида

14-боб. Кишининг куфрга қайтишни худди ўтга ташланишни

ёмон кўргандек ёмон кўриши иймондандир

15-боб. Иймон аҳлининг амал борасида бир-бирларидан афзаллиги ҳақида

16-боб. Ҳаё иймондандир

17-боб. «Агар тавба қилишса, намозни тўқис адо этишса

ва закотни беришса, йўлларини бўшатиб қўйинг»

18-боб. Аллоҳ таолонинг: «Мана шу – қилиб юрган амалларингиз

сабабли сизга мерос қилиб берилган жаннатдир» деган сўзига биноан

«Иймон – амалдир», дейиш ҳақида

19-боб. Исломга кириш ҳақиқий бўлмай, балки Аллоҳ таолонинг

«Аъробийлар «иймон келтирдик», дейишди. «Иймон келтирганингиз йўқ,

лекин бўйсундик, денглар», деб айт» деган сўзига кўра таслим бўлиш

ёки қатлдан қўрқиш туфайли бўлганда

20- боб. Саломни ёйиш Исломдандир

21-боб. Эрига нонкўрлик қилиш ва куфрдан фарқли куфр ҳақида

22-боб. Гуноҳлар жоҳилият ишидандир

23-боб. «Агар мўминлардан икки тоифа урушса, ўрталарини ислоҳ қилинг»

(оятида Аллоҳ) уларни «мўминлар» деб атади
24-боб. Зулмнинг даражалари
25-боб. Мунофиқнинг белгиси ҳақида
26-боб. Қадр кечасида қоим бўлиш иймондандир
27-боб. Жиҳод иймондандир
28-боб. Рамазонда қоим бўлиб, нафл ибодат қилиш иймондандир
29-боб. Савоб умидида Рамазон рўзасини тутиш иймондандир
30-боб. Дин осонликдир
31-боб. Намоз иймондандир. Аллоҳ таоло: «Аллоҳ иймонингизни зое қилмайди», деган, яъни Байтул Мақдисга қараб ўқиган намозингизни»
32- боб. Киши мусулмончилигининг гўзаллиги ҳақида
33-боб. Аллоҳга дин (амаллари)нинг энг севимлиси давомлисидир
34-боб. Иймоннинг зиёда ва ноқис бўлиши ҳақида
35-боб. Закот Исломдандир
36-боб. Жанозага қатнашиш иймондандир
37-боб. Мўминнинг ўзи сезмаган ҳолда амали ҳабата бўлишидан қўрқиши ҳақида
38-боб. Жаброилнинг Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан иймон, Ислом, эҳсон ва қиёмат илми ҳақида сўрагани ва Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уни баён қилганлари, сўнг: «Жаброил алайҳиссалом сизларга динингизни ўргатгани келди», деганлари ҳамда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Абдул Қайс ҳайъатига иймон ҳақида баён қилганлари ва бунинг барчасини дин дея атаганлари ҳамда Аллоҳ таолонинг «Ким Исломдан бошқа динни истаса, ундан ҳаргиз қабул қилинмас» деган сўзи ҳақида
39-боб
40-боб. Дини учун ўзини пок тутган кишининг фазли ҳақида
41-боб. Хумусни адо этиш иймондандир
42-боб. Амаллар ният ва савоб умидига кўра экани ва ҳар бир кишига ният қилгани бўлиши хусусида келган нарсалар ҳақида
42-боб. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Дин – Аллоҳга, унинг Расулига ҳамда мусулмонларнинг имомлари ва оммасига холис бўлишдир» деган сўзлари ва Аллоҳ таолонинг «...Агар Аллоҳга ва Расулига холис бўлсалар...» деган сўзи ҳақида

3. Илм китоби

1-боб. Илмнинг фазилати ҳақида
2-боб. Сўзга машғуллигида илмдан сўралса, сўзини тамомлаб, кейин сўровчига жавоб бериш ҳақида

- 3-боб. Илмда овозни кўтариш ҳақида
- 4-боб. Ҳадис айтувчининг «бизга сўзлаб берди» ёки «хабар қилди», «маълум қилди» деган сўзлари ҳақида
- 5-боб. Имомнинг суҳбатдошларига билган илмларини синаш учун савол ташлаши ҳақида
- 6-боб. Илм хусусида келган нарсалар ва Аллоҳ таолонинг «Роббим, илмимни зиёда қилгин», деб айт» деган сўзи ҳақида
- 7-боб. Муновала ҳамда илм аҳлининг илмни бошқа мамлакатларга ёзиб юбориши хусусида зикр қилинган нарсалар ҳақида
- 8-боб. Мажлис (аҳли)нинг келиб тўхтаган жойига ўтириш ҳамда даврадаги бўш жойни кўриб, ўша ерга бориб ўтириш ҳақида
- 9-боб. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «(Хабар) етказилган баъзи одам эшитувчидан кўра англовчироқдир» деган сўзлари ҳақида
- 10-боб. Илм сўз ва амалдан олдиндир
- 11-боб. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг одамларни бездирмаслик учун ваъз ва илмда уларнинг риоясини қилишлари ҳақида
- 12-боб. Илм аҳли учун маълум кунларни белгилаш ҳақида
- 13-боб. Аллоҳ кимга яхшилиқни раво кўрса, уни динда фақиҳ қилиб қўяди
- 14-боб. Илмни фаҳмлаш ҳақида
- 15-боб. Илму ҳикматга ҳавас қилиш ҳақида
- 16-боб. Мусо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг денгиз бўйлаб Хизр ҳузурига борганлари зикри ва (Аллоҳ) таолонинг: «Сенга ўргатилган рушду ҳидоятдан менга ҳам ўргатишинг учун сенга эргашсам майлими?» деган сўзи ҳақида
- 17-боб. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Аллоҳим, бунга китобни ўргат» деган сўзлари ҳақида
- 18-боб. Ёш боланинг ҳадис эшитиши қачондан дуруст бўлади?
- 19-боб. Илм талабида йўлга чиқиш ҳақида
- 20-боб. Ўрганган ва ўргатган кишининг фазли ҳақида
- 21-боб. Илм кўтарилиб, жаҳолат пайдо бўлиши ҳақида
- 22-боб. Илмнинг фазли ҳақида
- 23-боб. Улов ёки бошқа нарса устида туриб фатво бериш ҳақида
- 24-боб. Фатволарга қўли ва боши билан ишора қилиб жавоб бериш ҳақида
- 25-боб. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг АбдулҚайс вакилларини иймон ва илмни ёд олиб, ордагиларига хабар беришга қизиқтирганлари ҳақида
- 26-боб. Юзага келган масала туфайли сафар қилиш ва аҳли-оиласига таълим бериш ҳақида
- 27-боб. Илм учун навбатлашиш ҳақида

- 28-боб. Ваъз ва таълим асносида ёқтирмаган нарсасини кўрганда ғазабланиш ҳақида
- 29-боб. Имом ёки муҳаддис ҳузурида тиз чўкиш ҳақида
- 30-боб. Тушунарли бўлиши учун ҳадисни уч марта қайтариш ҳақида
- 31-боб. Кишининг чўрисига ва аҳли-оиласига таълим бериши ҳақида
- 32-боб. Имомнинг аёлларга ваъз қилиши ва уларга таълим бериши ҳақида
- 33-боб. Ҳадисга ҳарислик ҳақида
- 34-боб. Илм қандай тортиб олинади?
- 35-боб. Аёлларга илм ўргатиш учун алоҳида кун белгиланадими?
- 36-боб. Бирон нарсани эшитиб, уни яхши билиб олгунча қайта-қайта сўраш ҳақида
- 37-боб. Ҳозир бўлганлар илмни ҳозир бўлмаганларга етказсин
- 38-боб. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан ёлғон тўқиган кишининг гуноҳи ҳақида
- 39-боб. Илмни ёзиш ҳақида
- 40-боб. Тундаги илм ва ваъз ҳақида
- 41-боб. Тунда илмий суҳбат қуриш ҳақида
- 42-боб. Илмни ёд олиш ҳақида
- 43-боб. Уламоларга жим қулоқ солиш ҳақида
- 44-боб. «Одамларнинг қайси бири олимроқ?» дея сўралганда илмни Аллоҳга ҳавола қилиш олим учун мустаҳаб экани ҳақида
- 45-боб. Тик турган ҳолда ўтирган олимдан савол сўраш ҳақида
- 46-боб. Жамрада савол сўраш ва фатво бериш ҳақида
- 47-боб. Аллоҳ таолонинг «Сизларга жуда оз илм берилгандир» деган сўзи ҳақида
- 48-боб. Баъзи одамларнинг айрим нарсаларни тушунишга фаҳмлари етмай қолиб, ундан-да қаттиғига тушиб қолишларидан қўрққанидан айрим ихтиёр этган нарсасидан воз кечиш ҳақида
- 49-боб. Тушунмай қолишларини маъқул кўрмай, илмда бир қавмни қўйиб, бошқа бир қавмни танлаш ҳақида
- 50-боб. Илмда ҳаё қилиш ҳақида
- 51-боб. Ўзи уялиб, савол сўрашни бошқага буюриш ҳақида
- 52-боб. Масжидда илм ва фатво бериш ҳақида
- 53-боб. Сўровчига сўраганидан кўра кўпроқ жавоб бериш ҳақида

4. Таҳорат китоби

- 1-боб. Таҳорат ҳақида келган ҳадислар ва Аллоҳ таолонинг: «...Намозга турсангиз, юзингизни ва қўлларингизни тирсаклари билан ювинг, бошингизга масҳ тортиб, оёқларингизни тўпиқларигача (ювинг)» деган сўзи ҳақида

- 2-боб. Таҳоратсиз намоз қабул қилинмайди
- 3-боб. Таҳоратнинг фазли ва таҳорати асаридан пешона ва оёқ-қўлларидан оппоқ нур таралиб турадиганлар ҳақида
- 4-боб. Иккиланиб қолса, то ишонч ҳосил қилмагунича таҳорат олмайди
- 5-боб. Таҳоратни енгил қилиш ҳақида
- 6-боб. Таҳоратни мукаммал қилиш ҳақида
- 7-боб. Юзни бир ҳовуч сув билан икки қўллаб ювиш ҳақида
- 8-боб. Ҳар бир ҳолатда ва жимоъ олдидан тасмия айтиш ҳақида
- 9-боб. Хало олдидан нима дейилади?
- 10-боб. Хало олдига сув қўйиш ҳақида
- 11-боб. Қазои ҳожат ёки бавл қилганда қиблага юзланилмайди. Девор ёки шунга ўхшаш бино ичида бўлса, мустасно
- 12-боб. Икки ғишт устида қазои ҳожат қилиш ҳақида
- 13-боб. Аёлларнинг очиқ халога чиқиши ҳақида
- 14-боб. Уйларда қазои ҳожат қилиш ҳақида
- 14-боб (такрорий)
- 15-боб. Сув билан истинжо қилиш ҳақида
- 16-боб. Таҳорат учун сув олиб юриш ҳақида
- 17-боб. Истинжо учун сув билан бирга аназа кўтариб келиш ҳақида
- 18-боб. Ўнг қўл билан истинжо қилишдан қайтарилгани ҳақида
- 19-боб. Бавл қилганда закарини ўнг қўли билан ушламайди
- 20-боб. Тош билан истинжо қилиш ҳақида
- 21-боб. Тезак билан истинжо қилинмайди
- 22-боб. Бир мартадан ювиб таҳорат қилиш ҳақида
- 23-боб. Икки мартадан ювиб таҳорат қилиш ҳақида
- 24-боб. Уч мартадан ювиб таҳорат қилиш ҳақида
- 25-боб. Таҳоратда бурунга сув олиб қоқиш ҳақида
- 26-боб. Истижморни тоқ қилиш ҳақида
- 27-боб. Икки оёқни ювиш ҳамда оёқларга масҳ тортмаслик ҳақида
- 28-боб. Таҳоратда оғиз чайиш ҳақида
- 29-боб. Товонни ювиш ҳақида
- 30-боб. Кавушдаги оёқларни ювиш ва кавушга масҳ тортмаслик ҳақида
- 31-боб. Таҳорат ва ғуслда ўнг тарафдан бошлаш ҳақида
- 32- боб. Намоз вақти яқинлашганда таҳорат суви қидириш ҳақида
- 33-боб. Инсон сочи ювиладиган сув ҳақида
- 33-боб. (Такрорий) Ит бирортангизнинг идишидан сув ичса, идишни етти марта ювсин
- 34-боб. Икки махраж – олд ва орқа аъзодан (чиққан нарсадан)гина таҳорат қилинади, деганлар ҳамда Аллоҳ таолонинг: «...Ёки сизлардан

- бирингиз ҳожатдан келса ...» деган сўзи ҳақида
- 35-боб. Таҳоратда шеригига сув қуйиб туриш ҳақида
- 36-боб. Таҳорат синганидан сўнг Қуръон ўқиш ва бошқалар ҳақида
- 37-боб. Оғир беҳушлиқдан бошқасида таҳорат қилмаслик ҳақида
- 38-боб. Аллоҳ таолонинг: «...ва бошларингизга масҳ тортинг...» деган сўзига биноан бошнинг ҳаммасига масҳ тортиш ҳақида
- 39-боб. Икки оёқни тўпиқлари билан ювиш ҳақида
- 40-боб. Одамларнинг таҳорат сувидан ортганини ишлатиши ҳақида
- 40-боб (такрорий)
- 41-боб. Бир ҳовуч билан ҳам оғиз чайиш, ҳам бурунга сув олиш ҳақида
- 42-боб. Бошга бир марта масҳ тортиш ҳақида
- 43-боб. Кишининг ўз аёли билан бирга таҳорат қилиши ва аёл кишининг таҳорат сувидан ортгани ҳақида
- 44-боб. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўз таҳорат сувларини ҳушидан кетган киши устидан қуйганлари ҳақида
- 45-боб. Тоғора, жом, ёғоч ва тош идишларда таҳорат ва ғусл қилиш ҳақида
- 46-боб. Мис идишдан таҳорат қилиш ҳақида
- 47-боб. Бир мудд (сув) билан таҳорат қилиш ҳақида
- 48-боб. Икки маҳсига масҳ тортиш ҳақида
- 49-боб. (Маҳсини) таҳоратли оёққа кийганда...
- 50-боб. Қўй гўшти ва талқон егач, таҳорат қилмаслик ҳақида
- 51-боб. Талқондан оғиз чайилади, аммо таҳорат қилинмайди
- 52-боб. Сутдан оғиз чайиладими?
- 53-боб. Ухлаш сабабли таҳорат қилиш ҳамда бир-икки мудроқ ёки бошни осилтириб мудраш туфайли таҳорат қилинмайди деб билиш ҳақида
- 54-боб. Таҳорат синмаса ҳам таҳорат қилиш ҳақида
- 55-боб. Бавлдан эҳтиёт бўлмаслик катта гуноҳлардан биридир
- 56-боб. Бавлни ювиш борасида келган хабарлар ҳақида
- 56-боб (такрорий)
- 57-боб. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ва одамлар аъробийни масжидда бавлидан фориф бўлгунча тек қўйишгани ҳақида
- 58-боб. Масжидда бавл устидан сув қуйиш ҳақида
- 58-боб (такрорий) Бавлнинг устидан сув қуюди
- 59-боб. Гўдакларнинг пешоби ҳақида
- 60-боб. Тик туриб ва ўтириб бавл қилиш ҳақида
- 61-боб. Ҳамроҳ олдида бавл қилиш ва девор билан паналаниш ҳақида
- 62-боб. Бирор қавмнинг ахлатхонаси олдида бавл қилиш ҳақида
- 63-боб. Қонни ювиш ҳақида
- 64-боб. Манийни ювиш ва ишқалаб ташлаш ҳамда

- аёл кишидан теккан нарсани ювиш ҳақида
65-боб. Жанобат ёки ундан бошқа нарсани ювганда асари кетмаса...
66-боб. Туя, туёқлилар ва қўйларнинг пешоблари
ҳамда уларнинг қўралари ҳақида
67-боб. Ёғ ва сувга тушган нажосатлар ҳақида
68-боб. Турғун сув ҳақида
69-боб. Намозхоннинг устига ахлат ёки ўлимтик ташланса,
бундан намози бузилмайди
70-боб. Кийимдаги тупук ва мишиқ ҳақида
71-боб. Набийз ва маст қилувчи суюқлик билан таҳорат қилиш жоиз эмас
72-боб. Аёл киши отасининг юзидан қонни ювиши ҳақида
73-боб. Мисвок ҳақида
74-боб. Мисвокни ёши каттароққа бериш ҳақида
75-боб. Таҳорат билан тунашнинг фазли ҳақида

5. Ғусл китоби

- 1-боб. Ғуслдан олдин таҳорат қилиш ҳақида
2-боб. Кишининг ўз аёли билан бирга ғусл қилиши ҳақида
3-боб. Бир соъ ва шунга яқин сув билан ғусл қилиш ҳақида
4-боб. Бошидан уч марта сув қуйиш ҳақида
5-боб. Ғуслда бир марта ювиш ҳақида
6-боб. (Ғуслни) ҳилобдан бошлаш ёки ғусл олдидан хушбўйланиш ҳақида
7-боб. Жунубликда оғиз ва бурунни чайиш ҳақида
8-боб. Тозароқ бўлиши учун қўлни тупроққа ишқаш ҳақида
9-боб. Агар жунуб кишининг қўлида жунубликдан бошқа нопоклик
бўлмаса, уни ювмай туриб идишга солса бўладими?
10-боб. Ғусл ва таҳоратни бўлиб қилиш ҳақида
11-боб. Ғуслда ўнг қўли билан чап қўлига сув қуйиш ҳақида
12-боб. Жимоъ қилгач, яна (жимоъга) қайтиш ҳамда аёлларини айлангач,
битта ғусл қилиш ҳақида
13-боб. Мазийни ювиш ва у сабабли таҳорат қилиш ҳақида
14-боб. Хушбўйланиб, кейин ғусл қилиш ҳамда хушбўйлик
асарининг қолиши ҳақида
15-боб. Бармоқларни соч орасига киритиш, унинг остига ҳам
сув етказганига амин бўлгач, устидан сув қуйиш ҳақида
16-боб. Жунубликда таҳорат қилиш, сўнгра баданнинг қолганини
ювиб, таҳоратда ювган жойларини қайта ювмаслик ҳақида
17-боб. Масжидда жунуб эканини эслаб қолса, шу бўйича
ташқарига чиқади, таяммум қилмайди
18-боб. Жунубликдан ғусл қилгач, икки қўлни силкитиш ҳақида

- 19-боб. Ғуслни бошнинг ўнг тарафидан бошлаш ҳақида
- 20-боб. Холи жойда бир ўзи кийимсиз ғусл қилиш ёки тўсиниш ҳақида. Албатта тўсиниш афзал.
- 21-боб. Одамлар олдида ғусл қилганда тўсиниш ҳақида
- 22-боб. Аёл киши эҳтилом бўлса ...
- 23-боб. Жунуб одамнинг тери ҳамда мусулмоннинг нажас бўлмаслиги ҳақида
- 24-боб. Жунуб одам бозор ва бошқа жойларга чиқиб юраверади
- 25-боб. Агар жунуб одам таҳорат қилган бўлса, ғусл қилмасдан уйда юравериши ҳақида
- 26-боб. Жунуб кишининг ухлаши ҳақида
- 27-боб. Жунубнинг таҳорат қилиб, сўнг ухлаши ҳақида
- 28-боб. Икки хатна жойи бир-бирига тегса...
- 29-боб. Аёл фаржидан теккан нарсани ювиш ҳақида

6. Ҳайз китоби

- 1-боб. Ҳайзнинг бошланиши қандай бўлган?
- 2-боб. Ҳайзли аёл эрининг бошини ювиб-тараши ҳақида
- 3-боб. Эрнинг ҳайзли аёли бағрида Қуръон ўқиши ҳақида
- 4-боб. Ҳайзни нифос деб аташ ҳақида
- 5-боб. Ҳайзли аёли билан мубошарат қилиш ҳақида
- 6-боб. Ҳайзли аёлнинг рўзани тарк қилиши ҳақида
- 7-боб. Ҳайзли аёл Байтни тавоф қилишдан бошқа барча ҳаж амалларини бажаради
- 8-боб. Истиҳоза ҳақида
- 9-боб. Ҳайз қонини ювиш ҳақида
- 10-боб. Истиҳозали аёлнинг эътиқофи ҳақида
- 11-боб. Аёл киши ҳайз кўрган кийимида намоз ўқийверадими?
- 12-боб. Аёл кишининг ҳайздан (кейинги) ғуслида хушбўйланиши ҳақида
- 13-боб. Аёл кишининг ҳайздан покланганда артиниши, қандай ғусл қилиши,
мушкланган пахта олиб, қондан кейин қўйиб олиши ҳақида
- 14-боб. Ҳайздан (сўнг) ғусл қилиш ҳақидаги боб
- 15-боб. Аёл кишининг ҳайздан (кейинги) ғуслида тароқ ишлатиши ҳақида
- 16-боб. Аёл кишининг ҳайздан (кейинги) ғуслидан олдин сочини ёйиши ҳақида
- 17-боб. Шаклланган ва шаклланмаган ҳомила ҳақида
- 18-боб. Ҳайзли аёл ҳаж ва умрага қандай эҳром боғлайди?
- 19-боб. Ҳайзнинг бошланиши ва тўхташи ҳақида
- 20-боб. Ҳайзли аёл намозининг қазосини ўқимайди

- 21-боб. Ҳайзли аёл билан (ҳайз) кийимидалигида бирга ухлаш ҳақида
- 22-боб. Поклик кийимидан ташқари ҳайз кийими тутиш ҳақида
- 23-боб. Ҳайз кўрган аёлнинг икки ҳайит ва мусулмонлар дуоси (пайти)да ҳозир бўлиши ва намозгоҳдан четда туриши ҳақида
- 24-боб. Аёл кишининг бир ойда уч марта ҳайз кўриши ҳамда ҳайзда бўлиши мумкин бўлган ҳолатларда ва ҳомиладорлик борасида аёлларнинг нималарда тасдиқланиши ҳақида
- 25-боб. Ҳайз кунларидан бошқа пайтдаги сариқлик ва бўтана ҳақида
- 26-боб. Истиҳоза томири ҳақида
- 27-боб. Ифоза тавофидан кейин ҳайз кўрган аёл ҳақида
- 28-боб. Истиҳозали аёл покликни кўрганда...
- 29-боб. Нифосда вафот этган аёлга жаноза ўқиш ва бунинг суннати ҳақида
- 30-боб.

7. Таяммум китоби

- 1-боб
- 2-боб. Сув ҳам, тупроқ ҳам топа олмаганда ...
- 3-боб. Сув тополмаган ва айни пайтда намозни ўтказиб юборишдан кўрққанида ҳазарда (муқимликда) ҳам таяммум қилиш ҳақида
- 4-боб. Таяммум қилувчи икки қўлига пуфлайдими?
- 5-боб. Юз ва икки қўлга таяммум қилиш ҳақида
- 6-боб. Покиза тупроқ мусулмон учун покловчидир, сув ўрнига кифоя қилади
- 7-боб. Жунуб киши ўзига касаллик ёки ўлим етишидан ёхуд ташналиқдан кўрқса, таяммум қилади
- 8-боб. Таяммум бир зарбдир
- 9-боб.

8. Намоз китоби

- 1-боб. Исро кечасида намоз қандай фарз қилинган?
- 2-боб. Кийимларда намоз ўқишнинг вожиблиги.
Аллоҳ таолонинг «Ҳар бир саждагоҳга зийнатланиб олинг» деган сўзи.
Битта кийимга ўраниб олиб намоз ўқиш ҳақида
- 3-боб. Намозда изорни гарданига боғлаш ҳақида
- 4-боб. Битта кийимга ўраниб намоз ўқиш ҳақида
- 5-боб. Битта кийимда намоз ўқиса, уни кифтидан ошириб олсин
- 6-боб. Кийим тор бўлганида...
- 7-боб. Шомий чакмонда намоз ўқиш ҳақида
- 8-боб. Намозда ва ундан бошқа (ҳолатлар)да яланғоч бўлишнинг макруҳлиги ҳақида

- 9-боб. Кўйлақда, шалварда, калта иштонда ҳамда яқтақда намоз ўқиш ҳақида
- 10-боб. Авратни тўсиш ҳақида
- 11-боб. Ридосиз намоз ўқиш ҳақида
- 12-боб. Сон ҳақида айтилган гаплар хусусида
- 13-боб. Аёл кишининг неча кийимда намоз ўқиши ҳақида
- 14-боб. Нақшли кийимда намоз ўқиса ва унинг нақшига назар солса...
- 15-боб. Хоч чизилган ёки суратлари бор кийимда намоз ўқиса намоз фосид бўладими? Бу борада нималардан қайтарилган?
- 16-боб. Ипак фарружда намоз ўқиган, сўнг уни ечиб ташлаган киши ҳақида
- 17-боб. Қизил кийимда намоз ўқиш ҳақида
- 18-боб. Томларда, минбарда ва тахта устида намоз ўқиш ҳақида
- 19-боб. Намозхон сажда қилганида кийими аёлига тегса...
- 20-боб. Бўйрада намоз ўқиш ҳақида
- 21-боб. Хумра устида намоз ўқиш ҳақида
- 22-боб. Тўшак устида намоз ўқиш ҳақида
- 23 боб. Иссиқ қаттиқ бўлганда кийимга сажда қилиш ҳақида
- 24-боб. Кавушда намоз ўқиш ҳақида
- 25-боб. Маҳсида намоз ўқиш ҳақида
- 26-боб. Агар саждани тугал қилмаса...
- 27-боб. Саждада икки қўлтиқ орасини очиш ва узоқлаштириш ҳақида
- 28-боб. Қиблага юзланишнинг фазли ҳақида
- 29-боб. Мадина ҳамда Шом ва машриқ аҳлининг қибласи ҳақида
- 30-боб. Аллоҳ таолонинг «Ва Иброҳим мақомини намозгоҳ қилиб олинг» деган сўзи ҳақида
- 31-боб. Қаерда бўлмасин қиблага юзланиш ҳақида
- 32-боб. Қибла борасида келган (ҳукм)лар ва адашиб қибладан бошқа ёққа қараб намоз ўқиб қўйганда қайтариш лозим эмас, деб билганлар ҳақида
- 33-боб. Масжидда тупукни қўл билан сидириб ташлаш ҳақида
- 34-боб. Масжиддаги мишиқни майда тош билан сидириб ташлаш ҳақида
- 35-боб. Намозда ўнг томонига туфламаслик
- 36-боб. Чап томонига ёки чап оёғи остига туфласин
- 37-боб. Масжидда туфлашнинг каффорати ҳақида
- 38-боб. Балғамни масжидга кўмиш ҳақида
- 39-боб. Тупугини қайтаролмаса, кийимининг бир четига олсин
- 40-боб. Имомнинг одамларга намозни мукамал адо этиш борасида ваъз айтиши ва қибланинг зикри ҳақида
- 41-боб. «Фалончиларнинг масжиди» деса бўладими?

- 42-боб. Масжидда нарса тақсимлаш ва хурмо шингилини осиб қўйиш ҳақида
- 43-боб. Масжидда таомга таклиф этиш ва буни қабул қилиш ҳақида
- 44-боб. Масжидда эркаклар ва аёллар орасида ҳукм чиқариш ҳамда лиъон қилиш ҳақида
- 45-боб. Бир уйга кирганда хоҳлаган жойида намоз ўқийдими ёки буюрилган жойдами? Жой танламайди
- 46-боб. Уйлардаги намозгоҳлар ҳақида
- 47-боб. Масжид ва бошқа жойларга киришда ўнгдан бошлаш ҳақида
- 48-боб. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Аллоҳ яҳудларни лаънатласин, улар пайғамбарларининг қабрларини масжид қилиб олишди» деган сўзларига кўра жоҳилият мушрикларининг қабрлари очилиб, ўрнига масжид қилиб олинadими? Қабрларда (уларнинг устида, уларга қараб ва улар орасида) намоз ўқиш макруҳ экани хусусида
- 49-боб. Қўй қўраларида намоз ўқиш ҳақида
- 50-боб. Туя турадиган жойларда намоз ўқиш ҳақида
- 51-боб. Олдида тандир ёки олов ёхуд (мушриклар) ибодат қиладиган нарсалар турганида Аллоҳни ирода қилиб намоз ўқиш ҳақида
- 52-боб. Қабристонда намоз ўқишнинг макруҳлиги ҳақида
- 53-боб. Ер ютган ва азоб тушган жойларда намоз ўқиш ҳақида
- 54-боб. Черковда намоз ўқиш ҳақида
- 55-боб
- 56-боб. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ер мен учун масжид ва покловчи қилинди» деган сўзлари ҳақида
- 57-боб. Аёл кишининг масжидда ухлаши ҳақида
- 58-боб. Эркакларнинг масжидда ухлаши ҳақида
- 59-боб. Сафардан келганда намоз ўқиш ҳақида
- 60-боб. Масжидга кирганда икки ракат намоз ўқисин
- 61-боб. Масжидда таҳорат синиши ҳақида
- 62-боб. Масжид қуриш ҳақида
- 63-боб. Масжид қуришда кўмаклашиш ҳақида
- 64-боб. Минбар ва масжиднинг ёғоч ишлари учун дурадгор ва ҳунармандлардан фойдаланиш ҳақида
- 65-боб. Масжид қурган киши ҳақида
- 66-боб. Масжиддан ўтганда камон ўқининг учини ушлаб олиш ҳақида
- 67-боб. Масжиддан ўтиш ҳақида
- 68-боб. Масжидда шеър айтиш ҳақида
- 69-боб. Масжиддаги найзабозлар ҳақида
- 70-боб. Масжид минбарида олди-сотди хусусида ваъз қилиш ҳақида

- 71-боб. Масжидда қарзни сўраш ва қистаб туриб олиш ҳақида
72-боб. Масжидни супуриш, латта-путта, ахлат ва хас-чўпларни йиғиштириб олиш ҳақида
73-боб. Масжидда хамр савдосини ҳаром қилиш ҳақида
74-боб. Масжидга хизмат қилиш ҳақида
75-боб. Тутқун ёки қарздорни масжидга боғлаб қўйиш ҳақида
76-боб. Мусулмон бўлганда ғусл қилиш ҳамда яна тутқунни масжидга боғлаб қўйиш ҳақида
77-боб. Касаллар ва бошқалар учун масжидда чодир қуриш ҳақида
78-боб. Бирор сабаб билан масжидга туя киритиш ҳақида
79-боб
80-боб. Масжиддан дарча ва йўлак очиш ҳақида
81-боб. Каъба ҳамда масжидлардаги эшик ва қулфлар ҳақида
82-боб. Мушрикнинг масжидга кириши ҳақида
83-боб. Масжидларда овозни баланд кўтариш ҳақида
84-боб. Масжидда ҳалқа қуриш ва ўтириш ҳақида
85-боб. Масжидда чалқанча ётиш ва оёқ узатиш ҳақида
86-боб. Масжиднинг йўл четида, одамларга халал бермайдиган бўлиши
87-боб. Бозор масжидида намоз ўқиш ҳақида
88-боб. Масжид ёки бошқа ерда бармоқларни бир-бирига кириштириш ҳақида
89-боб. Мадина йўлларидаги масжидлар ва Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқиган жойлар ҳақида

Намозхоннинг сутраси ҳақидаги боблар

- 90-боб. Имомнинг сутраси орқасидагиларнинг ҳам сутрасидир
91-боб. Намозхон билан сутранинг ораси қанча бўлиши ҳақида
92-боб. Найзачага қараб намоз ўқиш ҳақида
93-боб. Аназага қараб намоз ўқиш ҳақида
94-боб. Макка ва бошқа жойлардаги сутра ҳақида
95-боб. Устунга қараб намоз ўқиш ҳақида
96-боб. Жамоат бўлмаганда устунлар орасида намоз ўқиш ҳақида
97-боб
98-боб. Юккаш туяга, туяга, дарахтга ва эгарга қараб намоз ўқиш ҳақида
99-боб. Чорпояга қараб намоз ўқиш ҳақида
100-боб. Намозхон ўз олдидан ўтаётган одамни қайтаради
101-боб. Намозхон олдидан ўтувчининг гуноҳи ҳақида
102-боб. Кишининг намоз ўқиётган соҳибига ёки бошқасига юзланиши
103-боб. Ухлаётган кишининг ортида намоз ўқиш ҳақида
104-боб. Аёл кишининг ортида нафл ўқиш ҳақида

- 105-боб. «Намозни (бундай) нарса бузмайди» дейиш ҳақида
106-боб. Намозда ёш қизчани бўйнига миндириб олиш ҳақида
107-боб. Ҳайзли аёл ётган тўшакка қараб намоз ўқиш ҳақида
108-боб. Киши сажда пайтида сажда қилиб олиш учун аёлини туртадими?
109-боб. Аёл кишининг намозхон устидан озор берувчи нарсани олиб ташлаши ҳақида

9. Намоз вақтлари китоби

- 1-боб. Намоз вақтлари, унинг фазилатлари ва Аллоҳнинг: «Албатта, намоз мўминларга вақтида фарз қилинган», деган сўзи, уларга вақти тайин қилиб берилгани ҳақидаги боб
2-боб. «...Ўзига қайтувчи ўлароқ унга тақво қилинг, намозни тўқис адо этинг ва мушриклардан бўлманг!»
3-боб. Намозни тўқис адо этишга байъат қилиш ҳақида
4-боб. Намоз каффоратдир
5-боб. Намозни вақтида ўқишнинг фазли ҳақида
6-боб. Беш вақт намоз каффоратдир
7-боб. Намозни вақтидан ўтказиб юбориш ҳақида
8-боб. Намозхон Робби азза ва жаллага муножот қилади
9-боб. Пешинни қаттиқ иссиқда салқинлатиб ўқиш ҳақида
10-боб. Сафарда пешинни салқинлатиб ўқиш ҳақида
11-боб. Пешиннинг вақти завол пайтидалиги ҳақида
12-боб. Пешинни асргача кечиктириш ҳақида
13-боб. Аср вақти ҳақида
14-боб. Асрни ўтказиб юборган кишининг гуноҳи ҳақида
15-боб. Асрни тарк қилса...
16-боб. Аср намозининг фазли ҳақида
17-боб. Қуёш ботишидан олдин асрнинг бир ракатига улгуриш ҳақида
18-боб. Шом вақти ҳақида
19-боб. Шомнинг хуфтон дейилишини ёқтирмаслик ҳақида
20-боб. «Хуфтон» ва «кечки намоз» дейиш ва буни жоиз билганлар ҳақида
21-боб. Хуфтоннинг кишилар жамланган ёки кечиккандаги вақти ҳақида
22-боб. Хуфтоннинг фазли ҳақида
23-боб. Хуфтондан олдин ухлашнинг макруҳлиги ҳақида
24-боб. (Уйқуси) ёлиб келган кишининг хуфтондан олдин ухлаши ҳақида
25-боб. Хуфтоннинг вақти тун ярмигача экани ҳақида
26-боб. Бомдод намозининг фазли ҳақида
27-боб. Бомдод вақти ҳақида
28-боб. Ким бомдоднинг бир ракатига улгурса...
29-боб. Ким намознинг бир ракатига улгурса...

- 30-боб. Бомдоддан кейин қуёш кўтарилгунча намоз ўқиш ҳақида
- 31-боб. Қуёш ботиши олдидан намоз ўқишни қасд қилмайди
- 32-боб. Аср ва бомдоддан кейинги намоздан бошқасини қарих кўрмаслик ҳақида
- 33-боб. Ўтказиб юборилган ва шу каби намозларнинг асрдан кейин ўқилиши ҳақида
- 34-боб. Булутли кунда намозни эртароқ ўқиш ҳақида
- 35-боб. Вақт чиққанидан кейин азон айтиш ҳақида
- 36-боб. Вақт чиқиб кетгандан кейин одамларга жамоат бўлиб намоз ўқиб бериш ҳақида
- 37-боб. Ким бир намозни унутса, эслаганида уни ўқиб олсин. Ўша намознигина қайтариб ўқийди
- 38-боб. Қазо намозларни олдингисидан бошлаб ўқиш ҳақида
- 39-боб. Хуфтондан кейин тунги суҳбатнинг макруҳлиги ҳақида
- 40-боб. Хуфтондан кейин фикҳ ва яхшилик хусусида суҳбат қуриш ҳақида
- 41-боб. Меҳмон ва ўз аҳли-оиласи билан тунда суҳбат қуриш ҳақида
10. Азон китоби
- 1-боб. Азон (айтиш)нинг бошланиши
- 2-боб. Азон иккита-иккитадандир
- 3-боб. Иқомада «қод қоматис-солах» сўзидан бошқаси биттадандир
- 4-боб. Азон айтишнинг фазли ҳақида
- 5-боб. Азонда овозни кўтариш ҳақида
- 6-боб. Азон сабабли қон тўкилмай қолиши ҳақида
- 7-боб. Муаззинни эшитганда нима дейиш ҳақида
- 8-боб. Азондан кейинги дуо ҳақида
- 9-боб. Азон (айтиш)да қуръа ташлаш ҳақида
- 10-боб. Азон асносида гапириш ҳақида
- 11-боб. Кўзи ожизнинг унга хабар берувчи кишиси бўлгандаги азони ҳақида
- 12-боб. Тонг отгандан кейинги азон ҳақида
- 13-боб. Тонгдан олдинги азон ҳақида
- 14-боб. Азон ва иқома ораси қанча бўлиши ва иқомани кутиш ҳақида
- 15-боб. Иқомани кутиш ҳақида
- 16-боб. Хоҳлаган киши учун ҳар бир азон ва иқома орасида намоз бор
- 17-боб. Сафарда битта муаззиннинг азон айтиши ҳақида
- 18-боб. Мусофирлар жамоат бўлганда, шунингдек, Арафот ва Муздалифада азон ва иқома айтиш ҳамда муаззиннинг совуқ ёки ёмғирли кечада «Намоз масканларда (ўқилсин)» дейиши ҳақида
- 19-боб. Муаззин азон асносида у ён-бу ёнига бурилиб қарайдими?
- 20-боб. «Намозни ўтказиб юбордим» дейиш ҳақида

- 21-боб. Намозга югуриб бормайди, вазминлик ва виқор билан келади
- 22-боб. Одамлар иқома пайтида имомни кўришса, қачон (сафга) туришади?
- 23-боб. Намозга шошилиб югурмайди, вазмин ва виқорли туради
- 24-боб. Бирор сабаб юзасидан масжиддан чиқиб кетса бўладими?
- 25-боб. Имом «Жойингиздан жилманг» деганда уни қайтгунича кутиб туриш ҳақида
- 26-боб. «Ҳали намоз ўқимадик» дейиш ҳақида
- 27-боб. Иқомадан кейин имомнинг бирор ҳожати чиқиб қолиши ҳақида
- 28-боб. Намозга иқомат айтилганда гапириш ҳақида
- 29-боб. Жамоат намозининг вожиблиги ҳақида
- 30-боб. Жамоат намозининг фазли ҳақида
- 31-боб. Бомдод намозини жамоатда ўқишнинг фазли ҳақида
- 32-боб. Пешинга эрта келишнинг фазилати ҳақида
- 33-боб. Қадамлар (савоби)дан умид қилиш ҳақида
- 34-боб. Жамоат билан ўқилган хуфтоннинг фазли ҳақида
- 35-боб. Икки киши ва ундан ортиғи жамоатдир
- 36-боб. Масжидда ўтириб, намозни кутиш ва масжидларнинг фазилати ҳақида
- 37-боб. Масжидга эрта бориб, кеч қайтишнинг фазилати ҳақида
- 38-боб. Намозга иқомат айтилгач, фарздан бошқа намоз йўқ
- 39-боб. Беморнинг жамоатга қатнашдаги меъёри ҳақида
- 40-боб. Ёмғир ва бирор сабаб туфайли уйда намоз ўқишга рухсат берилиши ҳақида
- 41-боб. Жума куни ёмғир ёғиб турса ҳам имом ҳозир бўлганлар билан намоз ўқиб, хутба қиладими?
- 42-боб. Таом тайёр бўлганда намозга иқома айтилса...
- 43-боб. Имом қўлида еб турган нарсаси бўлгани ҳолда намозга чақирилса...
- 44-боб. Оила юмушини қилаётган кишининг намозга иқома айтилганда (намозга) чиқиши ҳақида
- 45-боб. Одамларга Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намозларини ва суннатларини ўргатиш мақсадидагина намоз ўқиб бериш ҳақида
- 46-боб. Имомликка аҳли илм ва аҳли фазл ҳақлироқ
- 47-боб. Зарурат юзасидан имомнинг ёнида туриш ҳақида
- 48-боб. Одамларга имомликка ўтсаю, асосий имом кириб қолса, олдинги (имом) тисарилса ҳам, тисарилмаса ҳам намози жоиздир
- 49-боб. Қироатда тенг бўлишса, ёши каттаси имом бўлади
- 50-боб. Имом бир қавмнинг зиёратига бориб, уларга имомлик қилса...
- 51-боб. Имом унга эргашилиши учунгина қўйилган
- 52-боб. Имомнинг ортидаги қачон сажда қилади?
- 53-боб. Бошини имомдан олдин кўтарганнинг гуноҳи ҳақида

- 54-боб. Қул ва мавлонинг имом бўлиши ҳақида
- 55-боб. Имом мукаммал ўқимасаю, ортидаги мукаммал ўқиса...
- 56-боб. Фитначи ва бидъатчининг имом бўлиши ҳақида
- 57-боб. Икки киши бўлганда муқтадий имомнинг ўнг томонида, баробар туради
- 58-боб. Киши имомнинг сўл томонига туриб олса ва имом уни ўнг тарафига ўтқазиб қўйса, иккаласининг ҳам намози бузилмайди
- 59-боб. Имом имомлик қиламан деб ният қилмасаю, одамлар келиб унга иқтидо қилишса...
- 60-боб. Имом чўзиб юборсаю бир кишининг юмуши бўлса, чиқиб (алоҳида) намоз ўқиса...
- 61-боб. Имомнинг қиёмни енгил, рукуъ-саждаларни тўкис қилиши ҳақида
- 62-боб. Киши ўзи намоз ўқиганида хоҳлаганича чўзаверсин
- 63-боб. Имоми чўзиб юборганда шикоят қилиш ҳақида
- 64-боб. Намозни енгил ўқиш ва уни мукаммал қилиш ҳақида
- 65-боб. Гўдак йиғлаганда намозни енгил қилиш ҳақида
- 66-боб. Намоз ўқиб бўлиб, кейин бир қавмга имомлик қилиш ҳақида
- 67-боб. Имомнинг такбирини одамларга эшиттириш ҳақида
- 68-боб. Киши имомга иқтидо қилади, одамлар унга иқтидо қилишади
- 69-боб. Имом иккиланганида одамларнинг сўзини оладими?
- 70-боб. Имом намозда йиғласа...
- 71-боб. Иқома вақтида ва ундан кейин сафни текислаш ҳақида
- 72-боб. Сафлар текисланаётганида имомнинг одамларга юзланиши ҳақида
- 73-боб. Биринчи саф ҳақида
- 74-боб. Намознинг тўкис бўлиши сафларнинг тўғрилигидандир
- 75-боб. Сафларни тўлдирмаган кишининг гуноҳи ҳақида
- 76-боб. Сафда елкани-елкага ва оёқни-оёққа теккизиб туриш ҳақида
- 77-боб. Киши имомнинг сўл томонида турса ва имом уни ўнг томонига ўтқазиб қўйса, намози тугал бўлаверади
- 78-боб. Аёл кишининг бир ўзи саф бўла олади
- 79-боб. Саждагоҳнинг ва имомнинг ўнг томони ҳақида
- 80-боб. Имом билан қавм ўртасида девор ёки тўсиқ бўлса...
- 81-боб. Тунги намоз ҳақида
- 82-боб. Таҳрима такбирининг вожиблиги ва намозни бошлаш ҳақида
- 83-боб. Намозни бошлаш баробарида биринчи такбирда икки қўлни кўтариш ҳақида
- 84-боб. Такбир айтганда, рукуъ қилганда ва тикланганда икки қўлни кўтариш ҳақида
- 85-боб. Икки қўл қаергача кўтарилади?
- 86-боб. Иккинчи ракатдан турганда икки қўлни кўтариш ҳақида

- 87-боб. Ўнг қўлни чап қўл устига қўйиш ҳақида
- 88-боб. Намоздаги хушуъ ҳақида
- 89-боб. (Таҳрима) такбирдан кейин нима дейилади?
- 90-боб
- 91-боб. Намозда имомга нигоҳ қаратиш ҳақида
- 92-боб. Намозда осмонга қараш ҳақида
- 93-боб. Намозда у ёқ-бу ёққа аланглаш ҳақида
- 94-боб. Содир бўлган бирор иш сабабли ёки қибла тарафда бирор нарса ёки тупук кўрганда ўша тарафга қарайдими?
- 95-боб. Қироатнинг имом ва муқтадийга барча намозларда – сафарда ҳам, муқимликда ҳам, жаҳрийида ҳам, махфийида ҳам вожиблиги ҳақида
- 96-боб. Пешин (намози)да қироат қилиш ҳақида
- 97-боб. Аср намозида қироат қилиш ҳақида
- 98-боб. Шом намозида қироат қилиш ҳақида
- 99-боб. Шомда қироатни жаҳрий қилиш ҳақида
- 100-боб. Хуфтонда қироатни жаҳрий қилиш ҳақида
- 101-боб. Хуфтонда сажда оятини қироат қилиш ҳақида
- 102-боб. Хуфтонда қироат қилиш ҳақида
- 103-боб. Биринчи икки ракатда узун, кейинги икки ракатда қисқа (қироат) қилинади
- 104-боб. Бомдод (намози)да қироат қилиш ҳақида
- 105-боб. Бомдод намозининг қироатини жаҳрий қилиш ҳақида
- 106-боб. Бир ракатда икки сурани жамлаш; сура охирларини, бир сурадан олдин бошқа бирини ва суранинг аввалини қироат қилиш ҳақида
- 107-боб. Кейинги икки ракатда Фотиҳа ўқилади
- 108-боб. Пешин ва аср намозида қироатни махфий қилиш ҳақида
- 109-боб. Имом оятни эшиттириб ўқиса ...
- 110-боб. Биринчи ракатда (қироат) узун қилинади
- 111-боб. Имомнинг «омин»ни жаҳрий айтиши ҳақида
- 112-боб. «Омин» дейишнинг фазли ҳақида
- 113-боб. Муқтадийнинг «омин»ни жаҳрий айтиши ҳақида
- 114-боб. Сафга етмасдан рукуъ қилса...
- 115-боб. Такбирни рукуъда тугаллаш ҳақида
- 116-боб. Такбирни саждада тугаллаш ҳақида
- 117-боб. Саждадан турганда такбир айтиш ҳақида
- 118-боб. Рукуъда кафтларни тиззаларга қўйиш ҳақида
- 119-боб. Рукуъни тугал қилмаса...
- 120-боб. Рукуъда орқанинг текис бўлиши ҳақида
- 121-боб. Рукуъни тугал қилиш, унда тўғри туриш ва тин олишнинг меъёри ҳақида

122-боб. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг рукуъни тугал қилмаганга намозни қайта ўқишни буюрганлари ҳақида

123-боб. Рукуъдаги дуо ҳақида

124-боб. Имом ва унинг ортидагилар рукуъдан бош кўтарганда нима дейишади?

125-боб. «Аллоҳумма Роббана лакал ҳамд»нинг фазли ҳақида

126-боб

127-боб. Рукуъдан бош кўтарганда тин олиш ҳақида

128-боб. Саждага такбир билан борилади

129-боб. Сажда қилишнинг фазли ҳақида

130-боб. Саждада икки қўлтиқ орасини очиш ва узоқлаштириш ҳақида

131-боб. Оёқ бармоқларининг учини қиблага қаратади

132-боб. Саждани тўлиқ қилмаса...

133-боб. Етти аъзо билан сажда қилиш ҳақида

134-боб. Бурун билан сажда қилиш ҳақида

135-боб. Бурун билан сажда қилиш ва лойга сажда қилиш ҳақида

136-боб. Кийимларни боғлаб олиш ҳамда аврати очилиб қолишдан қўрққанда кийимни йиғиб олиш ҳақида

137-боб. (Намозхон) соч йиғиштирмайди

138-боб. Намозда кийимини йиғиштирмайди

139-боб. Саждадаги тасбеҳ ва дуо ҳақида

140-боб. Икки сажда орасида бир оз тўхтаб туриш ҳақида

141-боб. Саждада икки билагини ерга тўшамайди

142-боб. Намозининг тоқ ракатида бироз ўтириб, сўнг туриб кетиш ҳақида

143-боб. Иккинчи ракатдан турганда ерга қандай таянади?

144-боб. Иккинчи ракатдан тураётганида такбир айтади

145-боб. Ташаҳҳудда ўтиришнинг суннати ҳақида

146-боб. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам иккинчи ракатдан туриб кетиб,
қайтмаганлари учун дастлабки ташаҳҳудни фарз деб билмаслик ҳақида

147-боб. Дастлабки (қаъдадаги) ташаҳҳуд ҳақида

148-боб. Охирги (қаъдадаги) ташаҳҳуд ҳақида

149-боб. Саломдан олдин дуо қилиш ҳақида

150-боб. Ташаҳҳуддан кейин ўқиладиган ихтиёрий,
вожиб бўлмаган дуолар ҳақида

151-боб. Намозини тугатгунча пешона ва бурунни артмаслик ҳақида

152-боб. (Намозда) салом бериш ҳақида

153-боб. Имом салом берганда (муқтадий ҳам) салом беради

154-боб. Намознинг саломи билан кифояланиб, имомнинг саломига алик олишни лозим кўрмаслик ҳақида

155-боб. Намоздан кейинги зикр ҳақида

156-боб. Имом салом бергач, одамларга юзланади

157-боб. Имомнинг саломдан кейин намоз ўқиган жойида қолиши ҳақида

158-боб. Одамларга намоз ўқиб бергач, бир ҳожати эсга тушса,

уларни тарк этиш ҳақида

159-боб. Ўнг ва чап томонга ўгирилиб юзланиш ҳақида

160-боб. Хом саримсоқ, пиёз ва кўкпиёз ҳақида келган хабарлар.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ким саримсоқ ёки пиёзни очликдан

ё бошқа сабабдан еса, масжидимизга яқинлашмасин» деган сўзлари ҳақида

161-боб. Ёш болаларнинг таҳорати, уларга ғусл ва покланиш

қачон вожиб бўлиши, уларнинг жамоатга, икки ҳайит ва жанозага

келишлари ва сафлари ҳақида

162-боб. Аёлларнинг тунда ва тонгги ғира-ширада

масжидларга чиқишлари ҳақида

163-боб. Одамлар олим имомнинг туришини кутишлари ҳақида

164-боб. Аёлларнинг эркаклар ортида намоз ўқишлари ҳақида

165-боб. Бомдод намозида аёлларнинг масжиддан тез чиқиб кетишлари

ва уларнинг масжидда кам қолишлари ҳақида

166-боб. Аёлнинг эридан масжидга чиқишга изн сўраши ҳақида

Иловалар